

**Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан уй-жой қуриш/реконструкция қилиш учун
кредит ажратиш бүйича ипотека шартномаси №??creditnumber??**

??creditnumber?? шаҳар

??creditnumber??

Чет эл капитали иштирокидаги "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки номидан ??creditnumber?? йилдаги № ??creditnumber?? сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Банкнинг ??creditnumber?? филиали бошқарувчиси ??creditnumber??, бундан буён матнларда "Банк" деб номланади, биринчи тарафдан, ??creditnumber?? манзилида яшовчи фуқаро ??creditnumber??, бундан буён матнда "Кредит олувчи" деб номланади, иккинчи тарафдан, ??creditnumber?? манзилида яшовчи фуқаро ??creditnumber?? бундан буён матнда "Биргаликда кредит олувчи/БКО" деб номланади, учинчи тарафдан, ҳаммалари биргаликда "Тарафлар" деб номланади, ушбу шартномани қуйидагилар хақида тұздилар:

1.Шартнома предмети

1.1.Мазкур шартномага мұвоғиқ Банк Кредит олувчига шартномада күрсатылған миқдорда ва шартларда, ??creditnumber?? уй-жойни лойиҳа-смета хужжатларига асосан қуриш/реконструкция қилиш учун ипотека кредити бериш, Кредит олувчи эса олинган пул маблағларини белгиланған муддатда Банкка қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланғанлик учун фоизларни тұлаш мажбуриятини олади.

2. Шартнома баҳоси вахисоб-китоб тартиби.

2.1.Кредит миқдори: ??creditnumber?? (??creditnumber??) сүм белгиланди.

2.2. Кредит фоизи, йиллик ??creditnumber??% (??creditnumber??) фоиз.

2.3. Кредитдан фойдаланиш муддати: ??creditnumber?? (??creditnumber??) ой.

2.4. Кредитдан фойдаланғанлик учун фоизлар ушбу шартномада белгиланған номинал ставкада кредит қолдигига нисбатан күнлик ҳисоблаб борилади.

2.5. Кредит қарздорликни қайтариш шартноманинг ажралмас қисми бўлган қайтариш жадвали(1-илова) асосида амалга оширилади.

2.6. Машкур шартномага асосанкредит маблағи пудратчиҳисобвароғига(пудрат усулида) ёки Кредит олувчининг банк картасига(хўжалик усулида)надқ пулсиз шаклда босқичма-босқичўтказилади.

2.7. Кредит ва унга ҳисобланған фоиз(жарима, пеня)ларни қайтариш Кредит олувчи /Биргаликда кредит олувчи (БКО)нинг истагига кўра, банкнинг автотўлов хизмати, банк картаси, нақд пул, пул ўтказиш ўйли билан ва қонунчилик хужжатларига зид келмайдиган бошқа тўлов усуслари билан амалга оширилади. Бунда, келиб тушган маблағлар биринчи навбатда неустойка, муддати ўтган кредит фоизи, муддати ўтган кредит тани, муддатли кредит фоизи сўнгра муддатли кредит танини сўндиришга йўналтирилади.

2.8. Ипотека кредити фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, мутаносиб равишда камаяди, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади.

3. ТАРАФЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Кредит олувчи/биргаликда кредит олувчининг мажбуриятлари.

3.1.1 Кредит ва унга ҳисобланған фоизларни ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланған қайтариш жадвалида (1-илова)белгиланған муддатларда, тўлиқ тўлаш;

3.1.2 Кредитдан фақатмазкур шартномада кўрсатылған мақсадларда фойдаланиш.

3.1.3 Кредитдан фойдаланиш давомидакредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилик, тўловлилик, қайтаришлик, мақсадилилик ва таъминланғанликка риоя килиш;

3.1.4 Банкка яшаш манзилини, телефон рақамларини (уяли, уй, иш) электрон почта манзилини, ижтимоий тармоқлардаги почта манзилларини (Telegram, WhatsApp, IMO ва бошқалар) ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни тақдим этиш. Ушбу манзиллар орқали олинган ҳар қандай маълумот Банк учунқонуний кучга эга;

3.1.5 Ўзининг иш жойи, яшаш жойи, фамилияси ва исми ўзгарганда, телефон рақамлари,электрон почта манзили, ижтимоий тармоқдаги манзиллари ўзгарганда ёки

мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларини бажарилишига салбий таъсир кўрсатадиган бошқа ҳолатлар тўғрисида ёзма шаклда ёки ўзлари учун мақбул бўлган бошқа алоқа каналлари орқали 5 (беш) кун ичида Банкка хабар бериш. Ушбу талаб бажарилмаслиги оқибатида келиб чиқсан салбий ҳолатларга Кредит олувчи/БКО жавобгар ҳисобланадилар;

3.1.6 Ипотека кредити хисобига қуриб битказилган ёки реконструкция қилинган уй-жой бўйича кадастр ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилганидан сўнг 30 банк иш куни ичида гаровга қўйиб бериш;

3.1.7 Ипотека кредити хисобидан қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойуз номига эгалик ҳуқуқи расмийлаштирилгач, 3(уч) банк ишкуничида ипотека предметини йўқолиш ва шикастланиш таваккалчиликларидан суғурталаш, белгиланган тартибда кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиши, гаровни расмийлаштириш чиқимларини тўлаш;

3.1.8 Гаров мулкига шикаст етказилган, яроқсиз ҳолга келган, йўқолган тақдирда зудлик билан банкка хабар бериш ва гаров мулкини 10 (үн) кун ичида юқори ликвидли бошқа мулкка алмаштириш;

3.1.9 Кредитни қайтариш жадвалига нисбатан ортиқча тўланган маблағ келгуси даврларда сўндирилиши режалаштирилган бўлса, у ҳолда тўловни амалга оширишдан 3(уч) кун олдин Банкка бу ҳақида ёзма мурожаат қилиш;

3.1.10 Кредит хисобидан харид қилинган қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойни бут ҳолда сақланишини таъминлайди. Уй-жойнинг бутлиги сақланмаганлиги аниқланганида ёки гаровдаги уй-жойга қасдан шикаст етказилган тақдирда, етказилган зарар миқдорини ўз хисобидан ёки гаровга қўйилган мулк(бошқа мулк) хисобидан тўлади.

3.1.11 Кредит хисобига қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойда Кредит олувчи ва унинг оила аъзолари яшashi учун фойдаланилиши лозим. Гаровдаги уй-жойни ижарага бериш, учинчи шахсларни рўйхатга қўйиши фақат Банк розилиги билан амалга оширилиши шарт.

3.1.12 Банкка кредитдан мақсадли фойдаланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни, уй-жойни Кредит олувчига тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжат(кадастр ҳужжати асли ёки нусхаси)ни мониторингучун тақдим этади.

3.1.13 Кредит олувчи/БКО шартнома ва гаров шартномаси бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсир кўрсатадиган оиласи ҳолати ўзгарганлиги, иш жойи алмаштирганлиги, даромадлари ўзгарганлиги ва бошқа маълумотларни ўз вақтидатақдим этиб бориши лозим. Кредит шартномасида белгиланган муддатларда Кредит олувчи/БКО Банкка ўзининг молиявий ҳолати ҳақида янгилangan маълумотларни тақдим этиш;

3.1.14 Шартнома шартларидан бири бажарилмаганлиги ва ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги оқибатида шартнома бекор бўлганҳолда ипотека кредитидан фойдаланганлик учун хисобланган фоизлар, кредит маблағларини аккредитив хисобваракқа ўтказиш пайтидан бошлаб битим бекор бўлганпайтга қадар Кредит олувчидан ундирилади. Кредит маблағларини аккредитив хисобваракдан қайтариш бўйича тескари бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади ва хисобланган фоизлари Кредит олувчи бошланғич бадали хисобидан қопланади.

3.1.15 Кредитни қайтариш жадвалидан ортиқча тўланган маблағ келгуси даврларда сўндирилиши режалаштирилган бўлса, у ҳолда тўловни амалга оширишдан 3(уч) кун олдин Банкка бу ҳақида ёзма мурожаат қилиш;

3.1.16 Шахсий (БКОнинг ҳам) банк картасини Банкнинг автотўлов хизматига улаш;

3.1.17 Ушбу шартнома ва қонунчилик ҳужжатларидаги бошқа мажбуриятлар.

3.2. Банкнинг мажбуриятлари.

3.2.1. Кредит олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан кредит бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида кредит олувчига ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни тақдим қилиш;

3.2.2. Мазкур шартноманинг 3.1.7.-бандидаги мажбуриятлар тўлиқ бажарилганидан кейин 3 (уч) банк иш куни ичида кредит ажратиш;

3.2.3. Олинган кредит учун кредит олувчи номига ссуда хисоб рақамларни очиш;

3.2.4. Кредит олувчини кредитни муддатидан илгари ундириш ҳолати ва сабаблари ҳақида олдиндан хабардор қилиш;

3.2.5. Кредит олувчининг тегишли сўрови банкда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб беш иш куни ичида кредит олувчи томонидан берилган ариза ва кредит олувчига кредит берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни ҳамда бир иш куни ичида шартнома бўйича кредит олувчи томонидан мажбуриятлари тўлиқ бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиш;

3.2.6. Шартнома бўйича кредит олувчидан мажбуриятлари бажарилмаслигисабаблари, ҳолати, муддати, суммалари, таркиби ҳақида сўраш, шунингдек мажбуриятлар бузилгани учун неустойка (жарима, пеня) кўлланиши натижасида харажатлар суммаси ортиши эҳтимоли ҳақида огоҳлантириш;

3.2.7. Шартнома бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда, кредит олувчи билан ҳар қандай алоқа боғлаш усулларидан, шу жумладан электрон алоқа воситаларидан ёки бошқа усуллардан фойдаланиб, кредит олувчига муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганлиги ҳақидаҳабар бериш;

3.2.8. Гаров предмети сифатида кўйилган бирдан-бир турар жой фактат суд тартибидаундирилиши мумкинлигива гаров предметиоммавий савдолар орқали реализация қилинишини(қонун ҳужжатларида назардан тутилган ҳоллар бундан мустасно) қарз олувчига маълум қиласи.

3.2.9. Мазкур шартноманинг 3.1.9- бандига мувофиқ кредит олувчи/БКОнинг аризаси мавжуд бўлмаган ҳолда, кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан қўп маблағ келиб тушган тақдирда, ушбу маблағнинг ортиқча қисмини кредитнинг асосий қарзини сўндиришга йўналтириш ҳамда келгуси иш кунидан қолдик суммага нисбатан фоиз ҳисоблаш;

3.2.10. Ушбу шартнома амал қилиш даврида кредит олувчининг сўрови олинганидан сўнг бир иш куни ичида унга қуидаги ахборотларни ёзма шаклда ойда бир марта бепул тақдим этиш: кредитлаш лимити, кредит бўйича тўланган пул маблағлари суммаси, асосий сумма бўйича қарз қолдиги, навбатдаги тўловларнинг миқдори, таркиби ва муддатлари (тўловлар жадвали), кредитни муддатидан олдин қисман ёки тўлиқ сўндириш истаги билдирилган тақдирда тўлаш лозим бўлган суммалар миқдори, муддати ўтказиб юборилган қарздорлик миқдори ва таркиби, келиб тушаётган пул маблағлари кредит бўйича қарзни сўндиришга йўналтирилиши ҳақида ахборотлар;

3.2.11. Кредит олувчи шартнома бўйича барча тўлов мажбуриятини тўлиқ бажарган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда мазкур кредит бўйичагаров мулкини тақиқдан чиқариш ҳамда гаров мулкига нисбатан банкнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ёзувни гаров реестридан ўчириш;

3.2.12. Шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортган тақдирда, бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинган сананинг эртасидан кечикмасдан Кредит олувчига ёзма хабарнома юбориш;

3.2.13. Кредит шартномасида кўрсатиб ўтилган фоиз ставкаси ўзгарганда ёки мазкур шартноманинг 3.2.9.-бандида белгиланган вазият юз берган тақдирда, кредитни қайtариш жадвалини янгидан расмийлаштириш ва кредит олувчига тақдим этиш. Бунда, шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қайtариш жадвали кучини йўқотади ва тарафлар учун янги қайtариш жадвали мажбурий ҳисобланади;

3.2.14. Шартнома бекор қилинган тақдирда, банк тўлаб берилган субсидияларни қарз олувчилардан белгиланган тартибда қайtариш чораларини кўради.

4. Тарафларнинг ҳуқуқлари.

4.1. Қарз олувчи/биргаликда қарз олувчининг ҳуқуқлари:

4.1.1. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан ипотека кредити бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳақида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш.

4.1.2. Шартнома тузилган кундан эътиборан икки хафта ичида Банкни ёзма равища хабардор этиш орқали фойдаланилмаган кредитдан воз кечиш. Бунда, воз кечиш кунигача қилинган харажатлар Кредит олувчи/БКО зиммасида қолади;

4.1.3. Кредитни муддатидан олдин қайтариш. Бунда, кредит учун фоизлар кредит тўлиқ қайтарилиган кунгача қадар ҳисобланади;

4.1.4. Кредит ажратиш ва ҳисоб-китоблар бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидағи ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш;

4.1.5. Банкдан мажбуриятларнинг ўз вақтида валозим даражада бажарилишини талаб қилиш, мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган заарларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш;

4.1.6. Олинган кредит тўловларини масофавий банк хизматларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

4.1.7. Кредит тўловларишаклини ҳамда кредитни қайтариш турини (дифференциал ва аннуитет), шунингдек Суғурта ёки баҳолаш хизматларини мустақил танлаш.

4.1.8. Ушбу шартнома ва қонунчилик ҳужжатларидағи бошқа ҳуқуқлар.

4.2. Банкнингхуқуқлари:

4.2.1. Кредит олувчи шартнома тузилган кундан эътиборан бир ой ичидан кредитдан фойдаланмаган тақдирда, шартномани бекор қилиш ҳақида иккинчи тарафни ёзма равища хабардор этиш орқали шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш;

4.2.2. Ипотека кредити ҳисобига курилган ёки реконструкция қилинган уй-жойни гаровга қўйиб беришни талаб этиш;

4.2.3. Кредит бериш ва шартнома бўйича мажбуриятларни ўз вақтида ва лозим даражада бажаришниталаб қилиш, зарур ҳужжатларни Кредит олувчи/БКОдан сўраб олиш;

4.2.4. Гаров мулкининг ҳолати, сақланиши ва мақсадлилик бўйича текширувларни амалга ошириш;

4.2.5. Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганида, мониторинг ўтказиш мақсадида, шунингдек муддати ўтган қарздорликлар юзага келган тақдирда, Кредит олувчи/БКОларнинг иш жойига қўнғироқ қилиш ёки ёзма мурожаат бериш;

4.2.6. Ўзаро музокараларни(баённома шаклида, телефон қўнғироқлари, аудио, видео ва бошқа исталган усусларда) ёзib олиш, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ҳамда мурожаатни тасдиқлаш учун ушбу далилни ишлатиш;

4.2.7. Кредит олувчининг жорий ёки муддати ўтган мажбуриятлари (қарзлари)ни сўндириш мақсадида, маблағларни қўйидаги усуслар ёрдамида ҳисобдан чиқариш:

а) Кредит олувчи/БКОнинг ҳар қандай банкларда ва бошқа молия муассасаларидағи ҳисобваракларига акцептсиз тўлов талабларини қўйиш;

б) Кредит олувчи/БКОнинг Банкдаги банк ҳисобваракларини тўғридан-тўғри дебетлаш йўли билан.

4.2.8. Қурилиш ёки реконструкция қилиш жараёнида лойиҳа-смета ҳужжатларига зид равища амалга оширилаётган қурилиш – монтаж ишлари аниқланса, кредитлаш жараёнини тўхтатиш ва ундирувни муддати олдин гаров мулкига қаратиш;

4.2.9. Кредит маблағи пудратчининг ҳисобварагига пул ўтказишда филиал томонидан пудратчи ташкилотнинг банқдаги ҳисобварагига бажариладиган қурилиш ишларининг(loyiha-smetasiga) асосан (бунда, бошланғич бадални 100 фоизи, кредит маблағини 95 фоизи) қийматининг 95% гача бўлган қисми босқичма-босқич пул ўтказиш йўли билан ўтказиб беради;

4.2.10. Бажариладиган қурилиш ишларининг 5% қисми қурилиш ёки реконструкция ёки таъмирлаш ишлари ишлари якунлангандан сўнг пудрат ташкилот, мижоз ва банк ўртасида қабул қилиш далолатномасига асосан ўтказилади, агарда бажарилган қурилиш монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан бажарилмаган бўлса ипотека кредити мақсадсиз фойдаланилган ҳисобланади ҳамда банк томонидан муддатидан олдин қайтариш чораларини кўрилади.

4.2.11. Ушбу шартнома ва қонунчилик ҳужжатларидағи бошқа ҳуқуқлар.

5. Тарафлар жавобгарлиги:

5.1. Кредит олувчи/ биргаликда кредит олувчининг жавобгарлиги.

5.1.1 Асосий қарзни қайтариш муддати кечикирилганда, Банкка бутун кечикирилган муддат давомида кечикирилган тўловлар учун шартноманинг 2.2-бандида белгиланган фоиз ставкасининг 1,5 баравари микдорида оширилган фоиз тўлайди.

5.1.2 Асосий қарз ва фоизларни ўз муддатида тўламаган тақдирда, тўлов кечиккан ҳар бир кун учун кечикирилган сумманинг ??creditnumber?? фоизи микдорида Банкка пеня тўлайди.

5.1.3 Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган квартира шартномада белгиланган муддатда гаровга қўйилмаган ёки тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, шунингдек, мазкур шартнома талаблари бажармаганида Банкка ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун гаров суммасининг 0.1 фоизи микдорида пеня тўлайди.

5.1.4 Кредитдан мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланганида, мақсадсиз фойдаланилган кредит микдорининг 25% микдорида банкка жарима тўлаш билан бирга мақсадсиз ишлатилган кредит маблағини Банккамуддатидан олдинқайтаради.

5.2 Банкнинг жавобгарлиги.

5.2.1. Кредит маблағларини бериш мажбуриятини бажармаганида ёки ўз вақтида бажармаганида Кредит олувчига кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечикирилган тўлов суммасининг 0.1% и микдорида пеня тўлайди.

5.2.2. Кредит олувчи мазкур шартнома бўйича барча мажбуриятларини тўлиқ бажаргач, Банк ушбу шартномадаги мажбуриятларини ўз вақтида ёки тўлиқ бажармаган тақдирда, кечикирилган ҳар бир кун учун гаровга олинган мулк қийматининг 0.1 фоизи микдорида пеня тўлайди.

5.2.3. Шартнома бўйича ҳисобланган пеня ва жарималарни тўлаш/ёки ихтиёрий тўлаш, тарафларни шартномада қўрсатилган ўз мажбуриятларини бажаришданозод қилмайди. Шунингдек, иккинчи тарафни мажбуриятлар бажарилмаганлиги сабабли тегишли чоралар қўллаш хукуқиданмаҳрум қилмайди.

5.2.4. Қарздорлик бўйича ҳисобланган фоизлар ва неустойкаларнинг энг қўп суммаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган микдордан ошибб кетмаслиги лозим.

5.2.5. Гаровга қўйилган квартираКредит олувчинингғайриқонуний қилмишлари оқибатида хатлансанКредит олувчи Банкни 3(уч) кун мобайнида ҳабардор қилади. Кредит олувчи ўз вақтида Банкни ушбу ҳолат бўйича ҳабардор қилмаса, Банк олдидағи мажбуриятлардан озод этилмайди.

6. Шартномани бекор қилиш асослар.

6.1. Кредит олувчи(БКО)ни Банк кредит ажратишдан аввал мавжуд банк карталарини “Авто-тўлов” хизматига улаш мажбурияти ҳақида огохлантириши лозим.

6.2. Кредит олувчи томонидан мазкур шартноманинг 3.1.16-банди ижроси таъминламаган тақдирда, банк кредит беришни рад этишга ҳақли.

7. Кредит таъминоти.

7.1. Кредитнинг асосий таъминоти кредит ҳисобига қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жой ҳисобланади. Уй-жой қурилиш ёки реконструкция ишлари якунлангунга қадар гаров таъминот сифатида ??creditnumber?? ҳисобланади. Гаров суғурталаниб,суғурта шартномаси ва суғурта полиси банкка тақдим этилади.

7.2. Кредит ҳисобига қурилган/реконструкция қилинган уй-жой ёзма(нотариал) гаров шартномаси тузилади. Гаров мулки бўйича гаров реестрига ёзувлар киритилади ва гаров мулкига нисбатан тақиқ қўйилади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби ҳамда бошқа қоидалар.

8.1. Шартнома тарафлар имзолаган кундан эътиборан кучга киради ва тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амалда бўлади.

8.2. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, тарафларнинг ваколатли вакиллари

имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

8.3. Кўйидаги асослар юзага келганида, Банк мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ва ундирувни гаровдаги ёки бошқа ликвидли мол-мулкларга қаратиши мумкин:

- а) Кредит олувчи томонидан шартнома тузища ёки кредит операцияларини бажариш вақтида Банкка нотўғри маълумотлар тақдим этиш фактлари аниқланганда;
- б) Кредит олувчи/БКОнинг психо-неврологик диспансерларига, психиатрик клиникарга, гиёхвандлик ва алкоголизмдан даволаниш клиникаларига жойлаштирилиши тўғрисида маълумот олинган тақдирда;
- с) кредитни қайтариш жадвалини камидан уч ва ундан ортиқ маротаба бузган тақдирда;
- д) кредит ва унга ҳисобланган фоизларни кредитни қайтариш жадвалида белгиланган муддатдан 30 кун ва ундан ортиқ муддатга сабабсиз кечикирилганида;
- е) Мазкур шартномада белгиланган, кредит ҳисобига сотиб олинган уй-жой/квартиранинг ўз муддатида суғурталаниб, гаровга тақдим этилмаганида;
- ф) Кредит олувчи/БКО гаровга олинган уй-жой/квартирани мониторинг қилинишига тўсқинлик қилганида;
- г) Кредит олувчи гаровга олинган квартирани Банкнинг розилигисиз учинчи шахсларга ижарага, текин фойдаланишга, бошқа ҳар қандай асосларга кўра берса, шунингдек, ноқонуний равишда тасарруф этса;
- х) Қонунчиликда белгиланган бошқа асосларга кўра.

9. Маҳфийлик.

9.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар маҳфий ахборотлар деб тан олинади.

9.2. Тарафлар шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган маҳфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қиласлик мажбуриятини олади.

9.3. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тутаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қиласли.

9.4. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ хажмда қоплайди.

10. Алоҳида шартлар, кафолатлар ва билдиришлар

10.1. Мазкур шартномани имзолаш билан Кредит олувчи Банкка унинг шахсий маълумотларини йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш ва ундан фойдаланишга кўйидаги ҳолларда розилик беради: Кредит олувчи манфаатдор бўлган шартномаларни тузища ва ижросини таъминлашда; Кредит олувчининг шартномада белгиланган хукуклари ва мажбуриятларининг бажарилишини таъминлашда, уларнинг бажарилишини талаб қилиш ва қарздорликни ундиришда; маълумотларни текшириш, шу жумладан фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш мақсадида; шартноманинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ маълумотларни Кредит олувчи/БКОга, унинг иш берувчисига етказишида.

10.2. Ушбу билан Кредит олувчи/БКО тўлов жадвали асосида кредит тўлови бўйича телефон қўнгироқлари қилинишига, SMS-хабарномаларни уяли телефон рақамларига, шунингдек Кредит олувчи томонидан тақдим этилган бошқа манзилларга (реквизитларга), барча алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолдаюборилишига розилик беради.

10.3. Банк томонидан юборилган SMS хабарномалар, қилинган қўнгироқлар, юборилган огохлантириш хатлари ва бошқалар қарзни қайтаришнинг зарур чоралари бўлиб, суд ва бошқа органларда далил бўлиб хизмат қиласли.

10.4. Ушбу шартномага ўзгартиришлар тарафларнинг ёзма келишувларига асосан амалга оширилади.

10.5. Кредит олувчи Банк олдиаги барча мажбуриятларни бажарган тақдирда, Банк нотариусга (бундан бирламчи бозордан кўчмас мулк олиш чоғидаги ипотека шартномаси

мустасно) ва бошқа органларга гаров мулкига солинган тақиқни бекор қилиш учун ёзма хабар беради.

10.6. Мониторинг, жойига чиқиб ишни ўрганиш ишлари ёзма рационалда расмийлаштириб олиб борилади.

11. Форс-мажор

11.1. Енгіб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, хоҳиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидағи носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимиға қилинган таҳдид (учинчи шахслар тарафидан қилинган хужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

11.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

11.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар якунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичидаги тарафни ёзма рационалда хабардор қилиши лозим.

11.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидағи хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин.

11.5 Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

12 Низоларни ҳал этиш тартиби ва бошқа шартлар.

12.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этиадилар.

12.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмагандага, хуқуқи бузилган тараф юборган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур хужжатларда кўрсатилган муддат ичидаги жавоб бернишни лозим.

12.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топширилиши, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали юборилишимумкин.

12.4. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар филиал/БХО жойлашган худуддаги судда ҳал этилади.

12.5. Мазкур шартнома ва унинг иловаси бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, шартноманинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Кредит олувчида сакланади.

13. Тарафларнинг юридик манзилгоҳлари

Кредит олувчи/БКО ипотека кредити тўғрисидаги барча маълумотлар шартнома тузилишидан аввал унга бепул тақдим этилгани ва ушбу шартнома имзоланмасидан олдин танишиб чиқиши учун ўзи билан олиб кетишга ҳақли экани ҳақда огоҳлантирилганлигини ўз имзолари тасдиқлайди.

Кредит олувчи

Манзил: ??creditnumber??
Шахсини тасдиқловчи хужжат(ID):
Серия ??creditnumber??
??creditnumber?? ??creditnumber??
йилда ??creditnumber?? томонидан
берилган.
фуқаро: ??creditnumber??

Биргаликда кредит олувчи

Манзил: ??creditnumber??
Шахсини тасдиқловчи хужжат(ID):
Серия ??creditnumber??
??creditnumber?? ??creditnumber??
йилда ??creditnumber?? томонидан
берилган.
фуқаро: ??creditnumber??

(имзо)

Кредит олувчи _____

(имзо)

БХО _____

Банк _____

Банк

Манзил: ??creditnumber??
Банк: ??creditnumber??
x/p: ??creditnumber??
МФО: ??creditnumber??
ИНН: ??creditnumber??
Бошқарувчи: ??creditnumber??

(имзо)

www.hamkorbank.uz
Тел: 0-800-1-200-200

Шартнома мазмуни ва моҳияти билан тўлиқ танишиб чиқдим ҳамда бир нусхасини олдим.

_____ «____» 20 ____ йил
(имзо) _____ (Кредит олувчи ФИШ)

Шартнома мазмуни ва моҳияти билан тўлиқ танишиб чиқдим ҳамда бир нусхасини олдим.

_____ «____» 20 ____ йил
(имзо) _____ (БКОнинг ФИШ)

??creditnumber?? кунги имзоланган №??creditnumber?? - сонли кредит шартномаси бўйича
кредит ва фоизларни қайтариш жадвали

| № | Тўлов куни | Муддати ўтадиган кун | Асосий кредит тўлов суммаси | Хисобланган фоизнинг қайтарилиш суммаси | Жами тўлов | Сундирилгунгача кредит колдиги суммаси | Сундирилгандан кейинги кредит колдиги суммаси |
|---|------------|----------------------|-----------------------------|---|------------|--|---|
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| . | | | | | | | |

Ушбу қайтариш жадвалида кўрсатиб ўтилган муддатларда тўловларни амалга ошириш мажбурияти оламан. Банкнинг “Авто-тўлов” хизмати орқали шахсий банк картамдан қайтариш жадвалига асосан кредит маблағининг ойлик тўловларини ундириб олинишига қаршилигим йўқ.

(имзо)

??creditnumber??

(Кредит олувчи ФИШ)

_____ йил